

КИБЕРЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Матчанов Алимжан Атабаевич

ИИБ Академияси Ташкилий-штаб фаолияти кафедраси бошлиғи, юридик фанлар
доктори, профессор,

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568445>

Аннотация Ушбу мақола ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар ва интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этилган жиноятлар содир этилиши сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш жиҳатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: киберҳуқуқбузарликлар профилактикаси, кибержиноятчилик, ўғирлик, фирибгарлик, тухмат, ҳақорат, хакерлик жинояти, ахборот тизимлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Жамоат хавфсизлигига қарши жиноий тажовузнинг бундай тури 2007 йилда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексига киритилди. 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш ва маълумотларни узатиш соҳасидаги ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар учун жавобгарликнинг кучайиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, Жиноят кодекси XXI боб – “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар” боби билан тўлдирилди. Ушбу бобда ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, компьютер маълумотларига ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар каби жиноятлар учун жазолар белгиланган. Қайд этиш лозимки, бунгача мазкур соҳадаги жиноятлар “ахборотлаштириш қоидаларини бузиш” номли ЖКнинг 174-моддаси билан тартибга солинган¹.

Бундан ташқари, Жиноят кодексида компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик, компьютер тизимига рухсатсиз кириш орқали мулкни ўғирлаш каби компьютер жиноятлари учун жавобгарлик кўзда тутилган.

Кибержиноятчиликни ҳалқаро миқёсда ҳам, айрим давлатлар даражасида ҳам тушунишда ягона ёндашув йўқлигини ҳисобга олиб, кибержиноятчилик турларини иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин.

1) жаҳон амалиётида учрайдиган кибержиноятчилик турлари

2) Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигида назарда тутилган кибержиноятчилик турлари.

Хакерлик жинояти – ахборот тизимлари, тармоқлари ва маълумотларга рухсатсиз киришни англатади. Бу турдаги жиноятлар алоҳида кибержиноят сифатида кўрилиши ёки янада оғирроқ жиноятчиликни амалга ошириш усули бўлиши мумкин.

Масалан, компьютер маълумотларига ноқонуний (рухсатсиз) кириш имконияти, агар ушбу ҳаракат ахборотни йўқ қилишга, блокировка қилишга, ўзгартиришга, нусхалашга ёки ушлаб олишга, электрон-ҳисоблаш машиналарининг ишлашини, электрон-ҳисоблаш машиналари тизимлари ёки уларнинг тармоғининг ишлашини

¹ <https://lex.uz/acts/111453>

тўхтатишга олиб келадиган бўлса, бу Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 278²-моддасида назарда тутилган алоҳида жиноятнинг объектив томонидир. Шунинг таъкидлаш керакки, ҳакерлик жинояти ушбу модда бўйича жиноят деб тан олинини учун у муайян оқибатларга олиб келиши керак. Ахборотни йўқ қилишга, блокировка қилишга ўзгартиришга, нусхалашга ёки ушлашга олиб келмайдиган ноқонуний фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида жиноят деб тан олинмайди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-моддаси 3-қисмининг “б” бандига биноан компьютер тизимига рухсатсиз кириш оғирлаштирувчи ҳолатдир². Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг ушбу моддасида ҳакерлик жинояти мустақил жиноят эмас балки ўғирлик каби жиноятни амалга оширишнинг усули ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда ҳакер жиноятларининг 3 та асосий сабаби бор:

Компьютер тизимларининг етарли ва тўлиқ даражадаги ҳимоясининг йўқлиги;

Ҳакерлик жиноятларини автоматлаштирадиган ва шу орқали кўпроқ фойдаланувчиларга зарар етказадиган замонавий дастурий воситаларнинг яратилиши;

Хусусий компьютерларнинг сонини ортиб бориши.

Ўзбекистон Республикаси *Жиноят кодексининг 278⁶-моддасида* Компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб компьютер дастурларини яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш, худди шунингдек, махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш, улардан қасддан фойдаланиш ёки уларни қасддан тарқатиш учун жавобгарлик белгиланган. Бундан ташқари миллий қонунчиликда вирусли дастурлар зарарли дастурларнинг турларидан бири сифатида алоҳида ажратилган.

Компьютер фирибгарлиги – (*ёки компьютер ёрдамида фирибгарлик*) бу кибержиноятлар ичида дунёда энг кенг тарқалган тури ҳисобланади. Будапешт конвенциясига биноан компьютер фирибгарлиги – бу компьютер маълумотларини киритиш, ўзгартириш, йўқ қилиш ёки блокировка қилиш йўли билан бошқа одам учун ноқонуний равишда иқтисодий фойда олиш мақсадида ғараз мақсад билан компьютер тизимининг ишлашига таъсир қилишдир³.

Компьютер фирибгарлигининг турли кўринишлари мавжуд. Бу дўслик (кетфишинг), мол-мулк, пул ҳақидаги ёлғон ёки чалғитувчи ваъдалар бўлиши мумкин. Ушбу ноқонуний ҳатти-ҳаракатларнинг мақсади битта – жабрланувчини ҳуқуқбузарга ўзининг шахсий маълумотлари ёки воситаларини ошкор қилиш ёки тақдим этишга мажбур қилиш. Шу билан бирга, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилишга асосланган фирибгарликнинг моҳияти сақланиб қолади. Масалан:

Хайрия пуллари тўлайдиган сохта онлайн-дўконлар ёки хайрия ва диний ташкилотлар ва бошқа муассасаларнинг сохта веб-сайтларини яратиш;

² <https://lex.uz/acts/-111453>

³ <https://huquqburch.uz/uz/kiber%D2%B3uzhumlar-i%D2%9Btisodiyotga-zhiddij-havf/>

спам-хабарлар ва молиявий ёрдам сўрайдиган сайтлар;

онлайн омонатлар бўйича юқори фоиз ставкаларини таклиф қилувчи фирибгар инвестицион фондлар;

“кириш тўлови”ни киритишни талаб қилиб, масофадан туриб ишлашни таклиф қиладиган сайтлар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида компьютер техникаси ёрдамида содирэтилган фирибгарлик учун жавобгарлик белгиланган (168-модда 2-қисмининг “в” банди). Ушбу жиноят тури кодекснинг 10-бобида жойлашган бўлиб, унда ушбу жиноятнинг объекти ҳар қандай мулк эканлиги таъкидланади.

Шахсий маълумотларни ўғрилаш – бу шахсий маълумотни олиш ва ундан фойдаланиш мақсади бўлган компьютер фирибгарлигининг шакли. Кибержиноятчиликнинг ушбу тури ахборот жамиятини шакллантириш даврида фаол ривожлана бошлади. Бунга рақамли технологиялар ва Интернет сабабчи бўлди. Масалан:

молиявий ҳисоб очиш, молиявий ҳисоб берилиши, қарз олиш ва ҳ.к учун ишлатилиши мумкин бўлган паспорт рақами, ҳайдовчилик гувоҳномаси, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

текшириш жараёнини четлаб ўтиш учун қўшимча маълумот сифатида фойдаланиши мумкин бўлган туғилган сана, манзил ва телефон рақами;

молиявий бўлмаган ҳисоблардаги паролларни ўғирлаш ҳавфи бўлган ҳисобларнинг пароллари, бу орқали жиноятчилар жавбрланувчининг бошқа шахсий маълумотларини олишлари мумкин, чунки молиявий ҳисоблар паролларини ўғирлаш молиявий кибержиноятларга йўл очади.

Юқоридаги маълумотларни олиш билан ҳуқуқбузар ўзини бошқа шахс сифатида кўрсатиши ва жабрланувчиларнинг шахсидан ноқонуний равишда ўз мақсадлари йўлида фойдаланиши мумкин.

Жабрланувчиларга психологик таъсир ўтказиш – Интернет ёрдамида, жиноятчи қурбонларининг руҳиятига таъсир қилиб, уларни ўз жонига қасд қилишга ундайди. Бундай ҳолатларга мойиллиги энг юқори бўлган қурбодлар тоифаси – болалар ва ўсмирлардир.

Ҳусусан, 2017 йилда тез-тез қўрқинчли “ўйинлар” ҳақида хабарлар пайдо бўла бошлади, уларда иштирок этиш ўспиринларнинг ҳалоқ бўлишига олиб келиши мумкин эди. Бу ўйинлардан бири **“Мовий кит”** ўйинидир.

Гарчи кибержиноятчиликнинг ушбу тури компьютер воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланса-да, унда компьютер маълумотлари мазмуни билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик аломатлари ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикасини жиноят кодекси Интернет глобал тармоғидан ўз жонига қасд қилиш (103-модда 2-қисмининг “д” банди) ва ўз жонига қасд қилишга ундаш (103-1-модда 2-қисмининг “в” банди) каби жиноятларни содир этишда фойдаланишни оғирлаштирхувчи ҳолат сифатида қабул қилади⁴.

⁴ <https://lex.uz/docs/111453>

Компьютер маълумотлари мазмунига оид ҳуқуқбузарликлар – ноқонуний мазмун билан боғлиқ турли хил ҳуқуқбузарликларни *(болалар порнографияси, низоларни авж олдиришга, террористик ҳаракатларни содир этишга ундовчи экстремистик, ксенофоб материаллар ва бошқалар)* ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ноқонуний мазмунни тарқатганлиги учун жавобгарликни белгиловчи моддалар мавжуд. Масалан:

порнографик маҳсулотларни тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш учун (130-модда);

зўравонлик ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маълумотларни тарқатиш, намоиш этиш учун (130¹-модда);

Урушни тарғиб қилганлиги учун (150-модда);

Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб этувчи материалларни тарқатиш ва тарқатиш мақсадида сақлаш учун (156-модда).

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан глобал Интернет ахборот тармоғи провайдерлари хизматлари томонидан, қимор ўйинлари ва бошқа хавфли ўйинлар ташкил қилиш ёки ўтказиш учун тегишли дастурий таъминотни тарқатиш, такрорлаш, тарқатиш учун худди шу ҳаракатлар *(278-модданинг 4-қисми)* учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шу билан бирга, Интернетда қимор ва бошқа хавфга асосланган ўйинларни ташкил қилиш ёки ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278-моддаси 1-қисмининг қўшимча квалификацияси белгилари эмас. Шу сабабли, бу қисмининг диспозициясида назарда тутилган ҳаракатларни компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган тақдирда жиноий жазони қўллаш имкониятини турли хил изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда банк пластик карталаридаги пулларни номаълум шахслар томонидан ғайриқонуний равишда қўлга киритишда ифодаланган Интернет фирибгарлик ва Интернет ўғрилиқ жиноятлари асосий мавзулардан бирига айланган бўлиб жамиятга жуда катта хавф келтириб чиқариб электрон тижорат сайтлари ва телеграм каналларида маҳсулотларни онлайн олди-сотди муносабатлари орқали, ижтимоий тармоқларда турли хилдаги ютуқли ўйинлар, акциялар ва электрон савдоларни амалга ошириш (ўтказилиши) орқали, хайрия мақсадлари ниқоби остида Интернет ижтимоий тармоқ саҳифаларида очилган турли кўринишдаги сохта беъморлар учун фуқароларнинг банк пластик карталаридан ўз ҳисоб рақамларига пул ўтказиш орқали, фуқароларнинг банк пластик карта рақами реквизитлари, амал қилиш муддати ва бошқа шахсий маълумотларини яширин йўллар билан қўлга киритиш орқали содир этилмоқда.

Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми “в” банди ва 169-моддаси 3-қисми “б” бандларида назарда тутилган жиноятни воситаси бўлган компьютер тизимлари ёки компьютер техникаси тушунчаси бугунги кунда ўзининг техник имкониятлари туфайли тўлиқ Интернет жиноятларни қамраб ололмади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми “в” бандида компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб фирибгарлик жинояти содир этилса

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган⁵.

Амалиётда маълум бўлишича бундай турдаги жиноятларни содир этаётган шахсларнинг кўпчилиги компьютер техникаси воситаларидан фойдаланмасдан туриб ўзларига тегишли бўлган уяли алоқа воситаларидан Интернет тармоқларида мобил иловалар орқали Интернет ўғрилик ва Интернет фирибгарлик жиноятларини содир этишмоқда.

Юқоридагиларга асосан, соҳадаги технологиялар орқали содир этиладиган қилмишларни аниқлаш, уларни тўғри бартараф этиш, бу турдаги жиноятларни тўғри квалификация қилиш, ягона қонунчилик амалиётидан фойдаланиш, Интернет ва телекоммуникация тармоғидан ташқари телекоммуникация воситаларидан фойдаланиб, бошқа ахбороткоммуникация технологиялари орқали ҳам Интернет фирибгарлик ва Интернет ўғрилик содир этиш мумкинлигини, ушбу турдаги жиноятлар виртуал муҳитда содир этилишини, шунингдек, юқоридаги қонунлар орқали соҳани янада такомиллашуви белгилаш лозимлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекснинг 168-моддаси 2-қисми “в” бандида кўрсатилган **“компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса”** жумласидан олдин **“телекоммуникациялар тармоқларидан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан ва”** жумласи билан тўлдириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекснинг 169-моддаси 3-қисми “б” бандида кўрсатилган **“компьютер тизимига рухсатсиз кириб”** жумласидан олдин **“телекоммуникациялар тармоқларидан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб ва”** жумласи билан тўлдириш таклиф қилинади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз зарурки, айнан кибержиноятларнинг иқтисодиётга таъсири натижасида мамлакатнинг кейинги ривожига сунъий тўсиқлар юзага келади. Ушбу тўсиқларни бартараф қилмас эканмиз, юртимизда иқтисодий тангликлар кучайиб бораверади. Иқтисодий танглик эса инсонларнинг давлат органларига нисбатан ишончсизлигини ва мамлакатда турли тартибсизликлар вужудга келтириш хавфини кучайтиради. Бу эса юқорида таъкидлаб ўтилган муаммолар юзасидан тегишил чоратадбирларни амалга ошириш ва бу борада тўғри сиёсат юритишимиз зарурлигини кўрсатади.

⁵ <https://www.lex.uz/acts/111453>

References:

1. <https://lex.uz/acts/111453>
2. <https://lex.uz/acts/-111453>
3. <https://huquqburch.uz/uz/kiber%D2%B3uzhumlar-i%D2%9Btisodiyotga-zhiddij-havf/>
4. <https://lex.uz/docs/111453>
5. <https://lex.uz/docs/111453>